

## Рамазондаги камчилигимиз



17:41 / 14.06.2017 4834

Рамазоннинг аввалида ибодатларга ҳимматимиз баланд бўлади. Таровеҳнинг илк кунларида масжидларни тўлдириб юборамиз. Лекин Рамазон ўтиб борар экан, ибодатларда сустлашиб борамиз. Айниқса, рамазоннинг ярми ўтиб, масжидларда хатмлар тугар экан, жамоат ҳам камайиб кетади. Ҳатто хатмни тугатгач, рамазоннинг қолган кунларида ифторликларда бемалол ўтириб, масжидга бормаи ҳам қўяверамиз. Бу ишимиз нотўғридир. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон охираб борар экан, ибодатга янада жиддийроқ киришар эдилар. Ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Қачон (охирги) ўн кунлик кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам изорларини маҳкам боғлаб\*, кечани бедор ўтказар ва аҳлларини уйғотар эдилар”. Имом Бухорий ривоят қилган.

\* “Изорларини маҳкам боғлаб” сўзидан – ибодатга астойдил бел боғлаганлари ёки аёлларидан четланганлари тушунилади.

Югуриш мусобақаларида марра кўриниши биланоқ спортчилар жон-жаҳди билан чопа бошлайди. Футбол ёки баскетбол ўйинларида ҳам бирор натижа кўрсатиш илинжида, айниқса, охириги дақиқаларда ўйинчилар шиддат билан ўйнашади.

Охират ютуғини қўлга киритиш учун ундан-да қаттиқроқ ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Рамазон охирлаб бормоқда. Охириги амаллар ўта аҳамиятли ва эътиборли ҳисобланади. Рамазон ойининг энг афзал кечалари охириги ўн кунларининг кечаларидир. Демак, маррага оз қолди. Агар нафсимиз бу кечаларда бўшашиб, дангасаликка йўл қўядиган бўлса, биз унга: “Эй нафсим! балки бу Рамазон сен учун охириги рамазондир”, деб айтайлик!

**“Мусобақа қилувчилар мана шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар!”** (Мутоффиийн сураси, 26-оят).

***Қудратуллоҳ Сидиқметов***